

«OSIYO-AUDIT» МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 1998 йил 11 август кундаги 517-сонли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 17 апрел кундаги "Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказувчи" АФ №00817 сонли лицензияси) кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталади ўз вакили ташкилот директори А.М.Исмаилов орқали бир томон ва «Ўзбек геофизика АЖ» (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади) ўз вакили Юсуфжонов Р.А орқали, иккинчи томондан, ўз уставларига амал қилган ҳолда ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг моҳияти

1.1. "Бажарувчи" томонидан "Буюртмачи"нинг 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йил юзасидан БХМС га асосан тузилган молиявий ҳисоботларини аудитнинг халқаро стандартлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказилади.

1.2. Молиявий ҳисоботга аудиторлик текшируви натижаси бўйича якуний хулоса берилади.

1.3. Бажариш муддати 2022 йил 31.04.20

2. Шартноманинг асосий қоидалари

2.1. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37-моддасига асосан "Буюртмачи" аудиторлик текшируви ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни "Бажарувчи"га тақдим этиш мажбуриятини олади.

2.2. "Бажарувчи" "Буюртмачи" томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳисобот даврида юз берган хўжалик муаммоларининг мақсадга мувофиқлиги, қонунга мос келиш-келмаслиги тўғрисида хулоса бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.3. Томонларнинг келишувига асосан ишнинг нархи аниқланади ва умумий суммаси белгиланади 34000000 (ўттиз етти миллион) ККС билан (сўмга бажарилади).

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1.1. Хўжаликнинг молиявий фаолиятини тавсифловчи барча зарурий ҳужжатларни аудиторга тақдим этиш.

3.1.2. Аудиторга текширувнинг сифатли ўтиши учун қўшимча маълумотларни оғзаки ёки ёзма равишда бериш.

3.1.3. Ҳисобот даври хўжалик фаолиятининг сифатли экспертизадан ўтказилиши учун зарур бўлган қўшимча шарт-шароитларни яратиш.

3.2. "Бажарувчи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.2.1. Аудиторлик текшируви ва бошқа аудиторлик хизматларини сифатли ўтказиш мажбуриятини олади ва томонларнинг келишувига биноан Шартномада белгиланган умумий сумманинг 100 фоизи микдорида моддий жавобгарликни қонун ҳужжатларига асосан тан олади.

3.2.2. "Буюртмачи"нинг техник, тижорат ахборотлари ва ҳужжатларининг махфийлигини сир сақлайди. Бу маълумотларни буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсга хавола этмайди.

3.2.3. "Бажарувчи"нинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни билан ва ўз Уставига асосан тартибга солинади.

4. Хисоб-китоб шартлари ва тартиби

4.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Буюртмачи” “Бажарувчи”нинг хисоб-китоб рақамига кўрсатилган хизмат учун жами _____ (ККС билан)
(сумма сўз билан)

микдорида маблағ ўтказиб беради.

4.2. Шартномада кўрсатилган маблағнинг 15 % микдори шартнома имзоланган кундан бошлаб, 5 иш кун ичида ва қолган 85 % иш бажарилганидан сунг тулаб берилади.

5. Тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги

5.1. “Буюртмачи» ўз мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тўловлари ўз муддатида ва микдорида тўламаганлиги учун “Бажарувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.2. Мазкур шартномада кўрсатилмаган ҳолатлар бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ва Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

6. Томонларнинг юридик ҳуқуқлари (жавобгарлиги)

6.1. “Бажарувчи” аудиторлик текширувларини ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига ва ўз Уставига амал қилмаса, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

7. Аудиторлик хизмати ва шартноманинг амал қилиш муддати

7.1. Ушбу Шартнома имзоланган кунидан бошлаб юридик кучга эга ҳисобланади ва у бекор этилгунга қадар амал қилади.

7.2. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар бири бир хил юридик кучга эга. Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан киритилади.

8. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тартиби

8.1. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ва мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра йўл қўйилади.

8.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф иккинчи тарафга бир ой олдин хат билан ёзма равишда хабар юбориши шарт.

9. Коррупцияга қарши курашиш

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали: anticorruption@uzbekgeofizika.uz) ёки ишонч телефони (71-264-84-05) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох

талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур банднинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш ушбу шартноманинг 8.2.- бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

10. Фавкулудда ҳоллар

10.1. Томонлар ушбу Шартномани тузганидан кейин олдиндан кўзда тутилмаган фавкулудда ходисалар, бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли тарзда бажара олмаган бўлсалар, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажаришдан озод этиладилар.

10.3. Бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар вужудга келган вазиятларда ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай вазиятлар ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунига қадар узайтирилади.

11. Низоларни ҳал қилиш

11.1. Томонлар ўртасида юзага келган низолар музокара йўли билан ҳал қилинади.

11.2. Музокара йўли билан томонлар томонидан ҳал қилинмаган низолар Иқтисодий судида ҳал қилинади.

12. Томонларнинг юридик манзиллари

БУЮРТМАЧИ:

« **«O'ZBEKGEOFIZIKA»
AKSIYADORLIK JAMIYATI** »
Адрес: TOSHKENT SHAHAR, M.ULUG'BEK TUMANI,
GEOFIZIKA MFY, BUYUK KELAJAK 5
x/p: **H/R: 2021 0000 4004 9502 6001**
«Garant bank» AJ Amaliyot boshqarmasi
MFO: 00439, INN: 201 577 724, OKED: 71120

МФО _____ ИНН: _____
ОКЭД- _____

БАЖАРУВЧИ:

«**OSIYO-AUDIT**» МЧЖ
Адрес: 100000, Ўзбекистан, Ташкент,
А.Темур 1-тор кўчаси 2-уй
Тел/факс: (998 71) 236-11-60 /24/32
x/p: 20 208 000 503 945 832 001
в АТИБ Ипотека банк Мехнат булими
г. Ташкент МФО: 00423
Рег.код НДС: 326 030 178 669
ИНН: 202629997 ОКЭД: 69 201
e-mail: osiyo-audit@mail.ru
www.osiyo-audit.uz



« _____ » 2022 й.
М.П.



« _____ » 2022 й.
М.П.